

ПОКИСТОН, ҲИНДИСТОН ВА ХИТОЙНИНГ
АҚШ БИЛАН БУГУНГИ МУНОСАБАТЛАРИ
СОВРЕМЕННИЕ ОТНОШЕНИЯ ПАКИСТАНА,
ИНДИИ И КИТАЯ с США
THE CURRENT RELATIONS OF PAKISTAN, INDIA
AND CHINA WITH THE UNITED STATES

Касимов Муталиб

“Федерал Давлат бюджети олий таълим муассасаси
“МЭИ” Миллий тадқиқот университетининг Тошкент шаҳридаги филиали,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD), доцент в.б.
тел: +998909357643

Аннотация: Ушбу мақолада Покистон, Ҳиндистон ва Ҳитойнинг АҚШ ўртасидаги хавфсизлик борасидаги замонавий муносабатларнинг аҳволи, турли даврларда бу муносабатларда юз берган ўзгаришлар, уларнинг сабаблари, совуқ уруш тушунчасига бўлган ёндошувлар ҳамда мазкур мамлакатларнинг келажакдаги алоқалари ҳақидаги мулоҳазалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Хавфсизлик, муносабат, совуқ уруш, халқаро кучлар, ядро қуроли, стратегик ёндошув, савдо алоқалари.

Аннотация: в данной статье представлены размышления о состоянии современных отношений в области безопасности между Пакистаном, Индией и Хитой и США, изменениях, произошедших в этих отношениях в разное время, их причинах, подходах к концепции холодной войны и будущих отношениях этих стран.

Ключевые слова: безопасность, позиция, холодная война, международные силы, ядерное оружие, стратегический подход, торговые отношения.

Annotation: This article presents reflections on the state of modern security relations between Pakistan, India and Khita and the United States, the changes that occurred in these relations at different times, their causes, approaches to the concept of the Cold War and the future relations of these countries.

Keywords: security, position, cold war, international forces, nuclear weapons, strategic approach, trade relations.

Хитой, Ҳиндистон ва Покистон экспорти учун АҚШ энг йирик бозорлардан биридир ҳамда ҳар уч мамлакат учун ҳам хорижий инвестицияларнинг энг йирик манбаларидан бирига айланиб улгурган. Бу уч мамлакатнинг кўп сонли аҳолиси Америкада истиқомат қилади ва улар хатто ўз шаҳарчаларини шакллантириб улгурган. Минглаб америкаликлар Ҳиндистон ва Хитойда яшайдилар, шу жумладан таълим олиш учун, у ерга ишбилармон ва инвестор сифатида келишади ва бу мамлакатларга мунтазам равишда сайёҳлар сифатида ташриф буюришади.

Қўшма Штатлар жаҳондаги энг қудратли давлат сифатида, Жанубий Осиёдаги давлатлар билан ўзининг глобал сиёсий манфаатлари ҳамда хавфсизлик нуктаи

назаридан қараган ҳолда муносабат олиб боради. АҚШнинг Хитой, Ҳиндистон ва Покистонга таъсир ўтказиши, хусусан, уч мамлакатнинг ҳар бири билан икки томонлама муносабатларда анча оғир кечган. Совуқ уруш даврида* АҚШ Покистонни ўз тарафдорлари тизимига киритган ҳолда, СССР ва Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришга ҳисса қўшган.

Шу аснода, АҚШнинг Хитойга нисбатан сиёсати доимо халқаро кучлар мувозанатига боғлиқ бўлиб келмоқда. Халқаро тизимдаги бошбошдоқлик (анархия) ва Осиё-тинч океани минтақасида Шўро давлати таъсирининг кенгайиш таҳдиди (хаёлий ёки ҳақиқий) остида Қўшма Штатлар Японияга нисбатан сиёсатини ўзгартирди ва у билан иттифоқчилик алоқаларини ўрнатди.

1979 йилда Совет ҳарбийлари Афғонистонга бостириб кирган пайтда Покистон қудратли давлатлар рақобатининг шахмат тахтасида яна бир бор ўз ўрнини топди ва совуқ урушдаги Америкача янги ўйиннинг марказига айланди. 1980-йилларда Хитой ва Ҳиндистон минтақадаги тинчлик ва можаро масалаларида иккинчи даражали иштирокчилар эди. Покистон, АҚШ ва Хитой СССР ва Ҳиндистон сингари кўпроқ стратегик ҳамкорлар эди. Ўша пайтда Покистон–Ҳиндистон–Хитой “учбурчаги” совуқ уруш шахмат тахтасига ўхшаб қолган, унда учта эмас, балки бешта давлат ўзаро ҳаракат қилган.

Совуқ уруш тугаганидан кейин халқаро тизимнинг ўзгариши Жанубий Осиёдаги кучлар мувозанатига, шунингдек, АҚШнинг ташқи сиёсатига ҳам таъсир кўрсатди. Ҳиндистоннинг иқтисодий эркинлашуви Қўшма Штатлар учун ҳамкорлик қилиш имкониятларини очди. Бундан ташқари, Қўшма Штатларнинг янги стратегик ёндашуви уларни Ҳиндистон билан “Мудофаа бўйича ҳамкорлик тўғрисида келишув қайдномаси”⁷ тузишга ундади.

1990-йиллардан бошлаб АҚШ-Хитой муносабатлари асосан кенгайиб бораётган Хитой бозорига йўналтирилган ҳамкорликка айланди. Покистон ҳақидаги тасаввур ҳам эски тасаввурлардан фарқ қиладиган даражада ўзгарди Покистонга ядро синовлари муносабати билан нисбатан АҚШ томонидан қўйилган санкциялар бу давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига сабаб бўлди⁸.

2001 йилдаги террорчилик ҳаракатларидан сўнг, Американинг Хитой, Ҳиндистон ва Покистон билан ҳамкорлиги яна ўзгара бошлади ҳамда Покистон терроризмга қарши курашда АҚШнинг халқаро майдондаги иттифоқчиси сифатида қайтди (бирок,

* Совуқ уруш даври одатда 1947 йилдан 1991 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган. Бу давр АҚШ бошчилигидаги капиталистик Ғарб ва СССР бошчилигидаги коммунистик Шарқ ўртасидаги бу икки тузим ўртасида тўғридан-тўғри ҳарбий тўқнашувсиз қарама-қаршилик билан ажралиб туради. Аммо бошқа фикрлар ҳам мавжуд. Айрим мутахассислар, совуқ урушнинг бошланишини 1945 йил, иккинчи Жаҳон урушининг тугаши ва собиқ иттифоқчилар ўртасидаги қарама-қаршиликнинг бошланиши билан боғлашади. Бундан ташқари, масалан, совуқ урушнинг бошланиши 1917 йил, Россияда октябр инқилобининг бошланиши билан боғлиқ деб ҳисобланади. Совуқ урушнинг тугаши 1991 йилда СССРнинг таназзули билан боғлиқ, бироқ баъзи манбаларда 1992 йил каби кейинги саналар ҳам тилга олинади – *М.К.*

⁷ Agreed Minutes of Defense Cooperation // U.S. Department of Defense. – Режим доступа: <http://archive.defense.gov/pubs/2015-Defense-Framework.pdf>

⁸ Speier R. Nonproliferation sanctions / Richard H. Speier, Brian G. Chow, S. Rae Starr // National Defense Research Institute, 2001. – 279 p.

Вашингтон Покистонни афгон фитнасига жалб қилмоқчи бўлиб, агар у бу урушда қатнашишдан бош тортса, “мамлакатни бомбардимон қилиб тош асрида қайтариб юбориш билан таҳдид қилди”⁹.

2006 йилда Ҳиндистон ва АҚШ ўртасида Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланишда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди¹⁰. Мудофаа саноати алоқаларининг кенгайиши ва қўшма ҳарбий машқлар Ҳиндистон глобал ишларда муҳим рол ўйнаши учун унга қўмаклашиш зарурлигини кўрсатди.

Шу билан бирга, Қўшма Штатлар ҳозирда ўзининг Жанубий Осиёдаги НАТОга аъзо бўлмаган асосий иттифокчиси ҳисобланган Покистон билан алоқаларни мустаҳкамлади. Бироқ, террорчилик муаммоси АҚШнинг Покистонга бўлган ишончига путур етказмоқда.

2008 ва 2011 йиллардаги террорчилик ҳаракатларидан сўнг Қўшма Штатлар Мумбайдаги террорчилик фаолиятини қоралаган ҳолда Нью-Дехлига бунинг тергов қилишда ўз ёрдамларини таклиф қилиб, “АҚШ ҳукумати бизнинг иттифокдошимиз ва дўстимиз бўлган Ҳиндистондаги вазиятни кузатишда давом этаётганлигини”¹¹ баён қилди. Шу аснода, АҚШ ва Покистон ўртасидаги муносабатлар ёмонлашмади – Қўшма Штатлар бу давлатга молиявий ва ҳарбий соҳада ёрдам беришини ҳамда бу ҳаракатлар Ҳиндистонга қарши қаратилмаганлигини таъкидлайди.

Бугунги кунда Қўшма Штатлар Жанубий Осиёдаги мавқеини мустаҳкамлаш учун янада бошқача имкониятларга эга, улар ҳатто минтақадаги янги хавфсизлик тизими ҳақида сўз юритмоқда ва Покистон ҳамда Ҳиндистонни уч томонлама музокаралар олиб боришга ундашмоқда. Таъкидлаш жоизки, Қўшма Штатлар ҳар доим Ҳиндистон ва Покистон билан биргаликда муштарак муаммоларни ҳал қилиш тарафдори бўлиб келган.

2009 йилда АҚШ Жанубий ва Марказий Осиё бўйича давлат котиби Р. Блейк “Ҳиндистон ва Покистон умумий муаммоларга дуч келмоқдалар ҳамда биз террорчиликга қарши кураш ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммосига биргаликда ечим топиш учун доимий мулоқотни давом эттирамиз”¹² деган эди.

Бугунги аҳвол, Хитой АҚШ томонидан асосий рақобатчи сифатида қабул қилинаётганлигини кўрсатмоқда. Д. Меаршеимер Хитойнинг минтақавий ҳукмронга айлангани ва унинг тажовузор сиёсати Қўшма Штатларни Жануби-Шарқий Осиёдан “суриб чиқараётганлигини”, шу билан бирга, қўшни давлатлар АҚШга қараганда Хитойнинг маҳобатидан кўпроқ қўркишади таъкидлаб ўтган¹³.

Хитой ва АҚШ ўртасидаги валюта ва савдо бўйича чуқурлашиб бораётган иқтисодий қарама-қаршиликлар, инсон ҳуқуқлари бўйича сиёсий тафовутлар, Тибет

⁹ Musharraf P. In the Line of Fire: A Memoir. – New York : Free Press, 2006. – 368 p

¹⁰ U.S. – India: Civil Nuclear Cooperation // U.S. Department of State. – Режим доступа: <https://20012009.state.gov/p/sca/c17361.htm>

¹¹ Obama B. Statement by the President on Attacks in Mumbai // Washington. – June 13, 2011. – The White House, Office of the Press Secretary. – Режим доступа: <http://www.whitehouse.gov/the-press-office/2011/07/13/statementpresident-attacks-mumbai>.

¹² US to encourage Pak-India dialogue: Blake / Dawn News. – Режим доступа: <http://archives.dawn.com/archives/99674>

¹³ Миршаймер Д. Лекция в МГИМО МИД России. – 17.10.2016

ҳамда Тайван масалалари, Жанубий Хитой денгизидаги суверенитет каби бир қатор сиёсий келишмовчиликлар “Хитой таҳдиди” ҳали бери Америка кун тартибидан тушиб қолмаслигидан далолат бермокда.

Шундай қилиб, Қўшма Штатлар Ҳиндистонни ўзига ҳамкор деб билади, Хитой эса уларнинг рақибига айланиши мумкин. Шунга қарамай, Ҳиндистон АҚШ-Хитой муносабатларининг ёмонлашишига ҳисса қўшиши даргумон, чунки унинг ўзи ҳам глобал етакчи ролини ўйнашдан манфаатдордир.

Шундай қилиб, совуқ уруш тугагандан сўнг, Қўшма Штатлар Хитой билан чуқур иқтисодий ҳамкорликка асос солди, Покистонни ажратиб олишга ёрдам берди ва Ҳиндистон билан стратегик шерикликни ривожлантириш учун платформа яратди, аммо бугунга келиб АҚШнинг бу ҳаракатлари эндиликда иш бермай қолиши ҳақида ишонч билан айтиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Agreed Minutes of Defense Cooperation // U.S. Department of Defense. – Режим доступа: <http://archive.defense.gov/pubs/2015-Defense-Framework.pdf>
2. Speier R. Nonproliferation sanctions / Richard H. Speier, Brian G. Chow, S. Rae Starr // National Defense Research Institute, 2001. – 279 p.
3. Musharraf P. In the Line of Fire: A Memoir. – New York : Free Press, 2006. – 368 p
4. U.S. – India: Civil Nuclear Cooperation // U.S. Department of State. – Режим доступа: <https://20012009.state.gov/p/sca/c17361.htm>
5. Obama B. Statement by the President on Attacks in Mumbai // Washington. – June 13, 2011. – The White House, Office of the Press Secretary. – Режим доступа: <http://www.whitehouse.gov/the-press-office/2011/07/13/statementpresident-attacks-mumbai>.
6. US to encourage Pak-India dialogue: Blake / Dawn News.
– Режим доступа: <http://archives.dawn.com/archives/99674>
7. Миршаймер Д. Лекция в МГИМО МИД России. – 17.10.2016